

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

№5
2025

MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

2025/5 (№7)

M u a s s i l a r: “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti” Milliy tadqiqot universiteti
va O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M.Abdullayeva, *s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O‘.Abilov, p.f.d., professor*
R.Choriyev, *p.f.d., professor Z.Ismoilova, f.f.d., professor J.Ramatov,*
i.f.d., dotsent X.Pirmatov, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:

Qiyom Nazarov – f.f.d., professor

Nashrga tayyorlovchilar:

M.Tursunova, M.Turdiyeva, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko‘chasi, 39,

Toshkent shahri, 100000,

Bichimi 60x84 Ofset qog‘ozi. “Times” garniturasini.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog‘i 30 b.t. Adadi 100 nusxa

MUNDARIJA:

Бош муҳаррир минбари	Ўзбек фалсафасининг умуминсонийлик ва миллийлик тамойиллари	5
Х. То‘хтаев	Qadriyatlar sohasi va aksiologiya qonuniyatlari transformatsiyasini ilmiy-falsafiy tahlili	10
Г.Наврўзова	Ибн Синонинг тасаввуфий устози.....	14
N.Kuvvatov	O‘tish davrining yangi O‘zbekiston bosqichi	18
Х.Саитходжаев	Хуқуқий нигилизм ёшлар хуқуқий маданиятига салбий таъсир этувчи омил сифатида.....	22
Н.Салиева	Олий таълим тизимида аёллар етакчилигини шакллантиришнинг мафкуравий асослари ва институционал имкониятлари.....	27
Х. Xidirov	XXI – asr yoshlar tarbiyasida ta’lim jarayoni axborotlashuvining o‘rni va ahamiyati.....	31
Г.Ўразалиева	Оила институтини мустаҳкамлашда гендер тенглигининг аҳамияти	35
Г.Нишонбоева	Маданиятнинг функциялари ва унинг жамиятдаги ўрни.....	40
Б.Узоков	Қадриятлар ва илм-фан ривожини.....	44
М.Ҳекубова	Global jarayonlar ta’sirida kommunikativ reallikda makon va vaqt tushunchalarining transformatsiyasi.....	48
I.Axmedov	Yangi O‘zbekistonda ma’naviy g‘oyalar transformatsiyasi jarayonida ta’lim tizimi bilan hamkorlik masalalari.....	52
Х. Холиқулова	Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва раҳбарлик лавозимларидаги иштироки.....	55
З.Надинова	Интуиция – оқилона қарор қабул қилиш воситаси.....	59
U.Muxtarov	Falsafiy ta’limotlar tarixida mehnatga munosabat haqidagi g‘oyalar takomili.....	63
Б.Мамадаминова	Оила — маънавиятимиз таянчи.....	66
G.Azamatova	Migrant хотин-qizlarni ijtimoiy himoya qilish masalalari.....	69
U.Ergashev	Toshko‘prizodaning “Latoif un-Nabiy” asari to‘g‘risida.....	72
G.Rashidova	Ta’lim muassasalarida tarbiyaviy darslarning zarurati.....	75
Q.Samandarov	Chig‘atoy ulusi chog‘ida Turkiston mintaqasida dinlararo munosabatlar.....	79
Х.Ботирова	Мустақиллик йилларида аграр соҳада мулкый муносабатлар шаклланиши ва хуқуқий асослар яратилиши.....	83
З.Ёдгоров	Янги Ўзбекистон ва спортдаги ислохотлар.....	86
З.Абдуазимова	Экологическая этика как важный фактор преодоления глобальных экологических проблем.....	90
M.Umarova	Buxoro amiri Shohmurod ibn Doniyolbiyning Turk sultonlari bilan elchilik munosabatlari.....	94
Sh.Abdug‘aniyev	Axborotlashgan jamiyat tushunchasi shakllanishi va rivojlanish bosqichlari.....	98

I.Butoyev	Yangi O‘zbekistonni ma’naviy taraqqiyotida diniy qadriyatlarni o‘rni.....	102
O.Begmatova	Turizm va yashil iqtisodiyot: ekologik samaradorlik va innovatsion usullar	106
G.Tadjibayeva	Yoshlar salomatligini saqlashning pedagogik va ekologik aspektlari hamda ularning o‘zaro bog‘liqligi.....	109
J.Boboxujayev	Talabalarda qadriyatlarni shakllantirishda pedagogik texnologiyani loyihalashtirish yo‘llari.....	113
I.Djumabayev	Oliy ta’lim muassasalarida media xizmatlarni rivojlantirish orqali talabalarda axborot savodxonligini oshirish strategiyalari.....	116
D.Abdimalov	Barqaror rivojlanish strategiyalarida davlat xizmatlarining o‘rni.....	121
N.Qaxxorova	Yevropa tajribasida fuqarolik jamiyatini rivojlantirish va huquqiy ongni yuksaltirish amaliyoti.....	125
H.Xoshimov	Zamonaviy yoshlarning iqtisodiy tafakkurini shakllantirishda ijtimoiy omillarning o‘rni	128
K.Xamrakulova	Oila va maktab o‘rtasida ta’limiy hamkorlikda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning pedagogik asoslari.....	132
O.Абдусаломов	Бахт индекслари ва уларнинг трансформацияси.....	136
A.Abduraimov	Talabalarda tashkiliy va jamoaviy ko‘nikmalarni shakllantirishda integratsiyalashgan pedagogik yondashuv.....	140
Г.Тохтасунова	Влияние семьи на развитие личности и социализации ребенка.....	144
К.Файзуллаева	Ўзбекистонда таълим соҳасидаги давлат ислоҳотлари ва педагогларнинг ижтимоий-иқтисодий маънаси.....	148
З.Тилавова	Маданият трансформацияси ва динамикасига ҳосил қилган таълим маданияти хусусиятлари.....	151
B.Mirzayev	Transchegaraviy migratsiya jarayonlarining milliy identitet va ijtimoiy ong strukturasi ta’siri: ijtimoiy-falsafiy tahlil.....	155
Sh.Ismatov	Jamoatchilik nazorati qonunchiligining rivojlanish bosqichlari va ularning huquqiy tahlili.....	159
A.Равшанов	Миллий менталитетнинг шаклланишида ахлоқий онгдаги ўзгаришларнинг роли.....	164
Ю.Турсунова	1950–1960 йилларда Ўзбекистон ССРда мактабгача таълим тизимининг ислоҳотлари ва муаммолари таҳлили.....	168
N.Beketov	Oliy ta’lim muassasalarida pedagogik innovatsiyalar asosida ta’lim sifatini oshirish.....	172
H.Алимухамедова	Миллий ўзликни англаш ходисаси.....	176
H.Suvonqulov	“Tanvir ul – ahdoq fi makorim ul - axloq” asaridagi axloqiy fikrlarning o‘ziga xosligi.....	180
O‘.Akilova	Yangi O‘zbekiston taraqqiyotining hozirgi bosqichida ma’naviy qadriyatlarning yoshlar tarbiyasidagi o‘rni.....	185

X.Sobitjon	Pedagogik kompetensiyalarni rivojlantirishda formatif baholashning samaradorligi.....	188
Sh.Xakimova	O'zbekistonda 2016-yilgacha bo'lgan elektroenergetika sanoati boshqaruvi tizimidagi o'zgarishlar.....	193
G.Ravshanova	Falasafa fanini o'qitishga qo'yiladigan zamonaviy talablar.....	198
M.Xasanov	Davlat boshqaruvining asoslari hamda uning funksional tuzilishi.....	201
V.Shamshiyeva	O'zbekistonda fuqarolik jamiyati barpo etishning ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, ma'naviy-falsafiy asoslari.....	204
N.Pirnazarov	Inson mavjudligining axloqiy ontologiyasi: bilim va ma'naviyat dialektikasi.....	208

МАДАНИЯТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Гуларо Нишонбоева
Маданиятшунослик бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий маданиятнинг бир қанча функциялари, унинг ҳозирги кундаги аҳамиятининг тобора ортиб бориши, ушбу фаннинг баъзи долзарб масалалари ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: маданият, этнос, моддий объект, маданиятнинг функциялари, маданий мулоқот, вербал ва новербал маданият, медиа макон, маданий динамика, маданий жараён.

Аннотация. В данной статье изложены некоторые функции современной культуры, возрастающее ее значение в настоящее время, актуальные вопросы данной науки

Ключевые слова: культурология, этнос, материальный объект, функции культуры, культурный диалог, вербальная и невербальная культура, медиа пространство, культурная динамика, культурный процесс.

Annotation. This article sets out some of the functions of modern cultural studies, its growing importance at the present time, topical issues of this science.

Keywords: cultural studies, ethnos, material object, cultural functions, cultural dialogue, verbal and non-verbal culture, media space, cultural dynamics, cultural process.

Маданият тушунчаси ўта серқирра ҳамда ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланиб, мазкур изоҳга яхлит битта таъриф бериш анча мушкулдир. Нега деганда, инсоният яратилишининг ўзи бир катта маданий жараён десак, асло муболага бўлмайди. Маданиятни яратувчиси - бу инсоннинг ўзидир.

Аслида эса, маданият инсон тафаккури билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг шаклланиб боришда инсоннинг фикрлаши, турмуш тарзининг яхшиланиши билан боғлиқ ходиса ҳамдир.

Мазкур соҳанинг серқирра, мураккаб ҳамда кенг қамровли тузилиши унинг жамият ва шахслар ҳаётидаги вазифаларининг турфа хиллигини белгилайди. Аммо маданиятшунос олимлар орасида маданий функциялар сони масаласида тўлиқ, яқдил фикрлар ханузгача мавжуд эмас. Мазкур жараён бир нечта маданиятшунос олимларнинг баъзи асарларида уларнинг сони бир хил эмас, кўп ҳолларда эса бир хил тарздаги функциялар бошқача ҳолатда аниқланади.

Шунга карамай, барча муаллифлар маданиятнинг кўп функционаллиги ғоясига кўшиладилар, унинг ҳар бир таркибий қисми турли хилдаги функцияларни бажариши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ушбу масала бўйича маданиятнинг асосий вазифаларига мослашувчи, рамзий (муҳим), когнитив, ахборот, коммуникатив, интегратив, тартибга солувчи, аксиологик ва ҳоказолар киради.

Ушбу соҳанинг энг асосий функцияларидан бири мослашувчанлик – адаптация жараёни ҳисобланади. Унга кўра, одамларнинг атроф-муҳитга, маданий турмуш ҳаётига, инсонларнинг ўзаро муносабатларга киришишга мослашиш ҳолати содир бўлади.

Мослашувчанлик-адапция функцияси икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, бир томондан у ташқи дунёдан инсон учун зарурий ҳимоя воситаларини яратишда ўзини намоён қилади. Буларнинг барчаси ибтидоий, кейинроқ цивилизациялашган одамга омон қолиш ва дунёда ўзини ишончли ҳис қилиш учун ёрдам берадиган маданий маҳсулотлар: оловдан фойдаланиш, озиқ-овқат заҳираларини яратиш ва бошқа зарур нарсалар, самарали кишлоқ хўжалигини яратиш, тиббиёт ва бошқалар. Биккинчи томондан эса, уларга

нафақат моддий маданият объектлари, балки шахсни жамият ҳаётига мослаштириб, уни ўзаро ҳалокат ва ўлимдан сақлайдиган ўзига хос воситалар ҳам киради. Булар давлат тузилмалари, қонунлар, урф-одатлар, ахлоқий меъёрлар ва бошқалардир.

Ижтимоийлашув ва маданийлаштириш функцияси. Маданиятнинг яна бир энг муҳим функциялари сирасига *ижтимоийлашув* ва *маданийлаштириш* ҳам киради. *Ижтимоийлашув* бу – инсоннинг одамлар билан муносабатга киришиши, жамиятдаги воқеликларга муносабат билдиришлиги, унинг тўлиқ аъзоси сифатида ҳаёт учун зарур бўлган маълум билимлар, меъёрлар ва кадриятларни ўзлаштириш каби жараёнларни ўзи ичига олади. Шу билан бирга, ушбу жараён жамият ва ҳаётнинг ўрнатилган шакллари сақлаб қолишни таъминлайди.

Шахснинг ижтимоий малакани ўзлаштириш жараёни эрта болалиқдан бошланади. Ота-оналар томонидан кўрсатиладиган хулқ-атвор намунаси болалар томонидан онгли тарзда ёки онгсиз ҳолатда қабул қилинади ва бу билан кўп йиллар мобайнида уларнинг хатти-ҳаракатларини белгилайди. Ўсиб келаётган болаларда тенгқурлари, ўқитувчилари ҳамда бошқа катта одамлар томонидан кузатилган ҳаракат намуналари ҳам катта таъсир кўрсатади. Болалаик даври – бу ижтимоийлашувнинг энг муҳим босқич даври ҳисобланиб, бунинг давомида инсон шахсиятининг тахминан 70 фоизи шаклланади. Лекин, ижтимоийлашув жараёни болалиқда тугамайди, бу ҳолат инсон тирик эканки, давомийланиб тураверади.

Халқимиз томонидан тўпланган ижтимоий тажриба ҳам шу тарзда ўзлаштирилади, маданий анъаналар сақланиб қолади ҳамда аجدодлардан авлодларга ўтиб боради, бу эса маданият барқарорлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир инсон ўзининг эҳтиёж ва қиқзикишларидан келиб чиқиб, ўзини маълум бир маданий муҳит билан тўлдиради, билимлар тизимини, маданий кадриятлар тизими ва хулқ-атвор нормаларини ўзлаштиради. Муайян маданиятда яшаш учун зарур бўлган ва орттирилган тажриба ҳамда билимларни эгаллашнинг бу ҳолати *маданиятшунослик*, деб аталади.

Ижтимоийлашув ва маданиятлаштириш жараёнлари нафақат инсонни ўраб турган муҳитни шакллантиришдан иборат, балки, улар ҳаёт учун зарур бўлган маълумотларни ўзлаштиришга интилиб, инсоннинг фаол ички ишларини ҳам назарда тутаяди. Шу сабабли, маълум бир маданият учун зарур бўлган билимлар мажмуасини ўзлаштирган ҳолда, инсон ўзининг табиий мойиллиги билан боғлиқ бўлган индивидуал қобилиятларини ривожлантира бошлайди. Бу мусиқий ёки бадиий қобилиятни ривожлантириш, математик ёки техник билимлар, келажакдаги касбни ўзлаштиришда фойдали бўлиши мумкин бўлган ёки инсоннинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш фаолияти бўлиши мумкин.

Маданиятнинг когнитив функцияси. Ушбу жараённинг муҳим вазифаси когнитив (гносеологик) билиш функцияси ҳамдир. Маданий жараён инсонлар кўпгина авлодининг малака ва кўникмаларини жамлайди, дунё ҳақида бой билимларни тўплайди ва шу билан бир қаторда унинг илми ва ривожланиши учун қулай имкониятларни яратади. Мазкур функция ўзини энг тўлиқ фан ва лимий билимларда намоён қилади. Албатта, билим маданиятнинг бошқа соҳаларида ҳам олинади, аммо, у ерда инсон фаолиятининг қўшимча маҳсули бўлиб, фанда дунё ҳақидаги объектив билимларни олиш энг муҳим мақсадлардан бири ҳисобланади.

Когнитив вазифа (функция)си маълумотни йиғиш ҳамда сақлашнинг ахборот функцияси билан узвий боғлиқ ҳодисадир. Нега деганда, билим ва информациялар дунёни англашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Тарихимизни эслаб, унга холисона ёндашмоғимиз керак, хатоларингизни тан олишни билинг. Одамзод ўзининг ким эканлигини ва қаерга кетаётганлигини конкерт билиш керак. Бу каби жараёнлар билан боғлиқ ҳолда маданиятнинг ахборот функцияси шаклланиб боради.

Маданият соҳаси билимларни ишлаб чиқариш, уларни жамлаш, сақлаш ҳамда ахборотни узатишнинг ўзига хос инсоний шаклига айланади. Маълумотларнинг авлоддан-

авлодга ўтиши асосан генетик воситалар орқали намоён бўладиган ҳайвонот дунёсидан фарқли ўлароқ, инсонларда ахборотлар манбаи турли хил белгилар тарзида кодланган. Бунинг натижасида ахборот уни кўлга киритирган шахслардан ажратиб қўяди. Бу давлат мулкига айланади ҳамда янги бир авлод ўз ҳаёт йўлини бошқатдан бошламайди, балки, аввалги авждоғлар томонидан орттирган, тўпланган тажрибани фаол тарзда ўзлаштиради.

Аксиологик функция. Ҳар қандай маданият аксиологик боғлиқ ҳолдаги қиймат йўналишларига асосланади. Маданиятнинг қиймат (баҳолаш) функцияси. Инсонлар ҳаётини жараёнларида ижтимоий ҳодисаларнинг турли хиллигидан ўзлари учун энг муҳим бўлганларини танлайдилар. Улар ўз тарихи мобайнида амалий ва назариётда атрофи оламдаги воқеа-ҳодисаларнинг фойдали ва зарарли эканлигини аниқлашга диққат қиладилар. Мазкур воқеалар сабаби, жамият ҳамда ижтимоий гуруҳнинг маълум бир кадриятлари тизимида шаклланади. Кадриятлар маълум бир объект, эҳтиёж, ҳолат ва мақсадни инсон ҳаёти учун фойдалилиги мезонига асосан танлаш жараёнини англатади.

Ҳар қайси миллат ва халқ ўз пирамидасини, кадриятлар иерархиясини ривожлантиради, зероки, кадриятлар тўпламининг ўзи умуинсоний хусусиятга эгадир. Шу маънода, биз шартли равишда асосий кадриятларнинг бир нечта таснифларини келтириб ўтамиз:

- ҳаётини аҳамиятга эга бўлган кадриятлар – турмуш, соғлиқ, инсон ҳаётининг, тинчлик, куч ва ҳоказолар;

- ижтимоий кадриятлар – ижтимоий мақом, касбий жараён, мавқе, шахсий мутақиллик, оилавий кадриятлар, эркак ва аёлнинг ўрни;

- сиёсий аҳамиятга эга бўлган кадриятлар – фикр эркинлиги, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, одамларнинг фаровон турмуш тарзи;

- этик (ахлоқий) кадриятлар – маданиятчилик даражаси, меҳр-муҳаббат, дўстлик, эзгулик, бурч, ор-номус, салоқат, фидоий бўлишлик, адолат, узгалирга ҳурматда бўлиш, мулоқот маданиятига риоя этишлик ва бошқалар;

- эстетик кадриятлар – уйғунлик, услуб, гўзаллик, нафислик, урф, замонавийлик, ўзига хос нафосатчилик, ўзгача тароватчилик ва ҳоказолар;

Кадриятлар аслида жамиятни бир маромда тартибга солишнинг янада мослашувчан даражасини бунёд этди, миллий урф-одатлар ва меъёрлар ҳаракатини ўзига бўйсундирди. Одамзод дунёни ташкил этувчи қарама-қаршиликларга бир хил муносабатда бўла олмайди. Кўп ҳолларда инсон ҳақиқатга, севги-муҳаббатга ҳамда эзгуликка юрагидан ишонади. Табиийки, кимгадир яхши кўринган нарса бошқаларга ёмон бўлиб чиқиши ҳам мумкин ва биз буни яна кадриятларнинг маданий ўзига хослиги, деб тушунамиз. Эзгулик ва ёвузлик тўғрисидаги ғояларимизга асосланган ҳолда, бутун бир ҳаётимиз мобайнида ён-атрофимиздаги дунёни “баҳоловчи” деб ҳаракат қиламиз.

Экскурсиявий функция. Одамзод ҳар қандай муаммоли вазиятларни бошқа инсонларнинг ёрдамисиз ҳал қилиши анча мураккаб жараён дир. Инсоният ижтимоий мавжудот ҳисобланади ва у ўз режаларини амалга оширишда бошқа одамлар билан ўзаро мулоқотга киришади, улар билан келишув асосида ўз мақсадларини рўёбга чиқаради. Агарда у инсонлар билан келишмаса, улар билан муомала маданиятига риоя қилмаса, жамиятнинг тўлақонли аъзозига айланиши қийин бўлиб, ўзининг қобилиятини ривожлантира олмайди.

Шу нуқтаи назардан табиат инсонларга товушлар, белгилар ҳамда ёзувларсиз ҳиссий муносабатларни ўрнатиш ва маълумот алмашиш қобилиятини ато этмаган. Шунинг учун ҳам ўзингиз билан гаплашиш, мулоқот қилиш орқали одамзод буларга ўзгача турли хилдаги маданий алоқа воситаларини яратган. Шу жумладан, ахборот оғзаки, нобервал ва паравербал усуллар орқали узтилиши мумкин. Оғзаки бўлмаган воситаларга имо-ишоралар, юз мимик-ифодалари, позициялар ҳамда бошқа инсонлар билан алоқа масофаси, турли моддий объектлар орқали узатиладиган ахборотлар қиради. Паравербал

алоқа воситаларига нутқнинг тезкорлиги, овоз баланд-пастлиги, яъни интонация, артикуляция ҳамда бошқалар киради.

Мулоқот усуллари ва унинг шакллари такомиллаштириш – маданиятни шакллантиришнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Инсоният тарихининг илк босқичларида алоқа имкониятлари одамлар орасида тўғридан-тўғри гаплашиш орқали чекланган бўлиб, улар бирор ахборотни узатиш жараёнида тўғридан-тўғри эшитиш, кўриш ва масофасига яқинлашишлари керак эди. Секин-асталик билан одамлар махсус курилмалар кўмагида алоқа доирасини кенгайтириш имкониятларини топа бошладилар. Кичик мисол тариқасида, гулханлар, сигнал барабанлари шу тарзда пайдо бўла бошлаган. Замонавий дунё тараққиётида фан ва техника ютуқлари асосида пайдо бўлган оммавий ахборот воситалари, медиа мақон, интернет тармоқларининг шидда билан бутун дунёда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Улар орасидаги энг муҳимлари телевидение, радио, босма нашрлар, шунингдек турли хилдаги интернет сайтлари, ютуб каналлари, ижтимоий тармоқ гуруҳлари, одамлар ўртасидаги алоқа воситалари сифатида биринчи ўринни ишончли эгаллаб бораётгани ҳаммамизга сир эмас.

Ҳозирги маданиятшунослиқда коммуникатив функциясининг вазифси бошқа жараёнларга қараганда тезроқ ўсиб бормоқда. Алоқа имкониятларини кучайтириш миллий хусусиятларнинг йўқ бўлишига олиб келади ва ягона умуминсоний цивилизация, глобашшув ҳолатининг тараққий этишига туртки бўлади. Мазкур воқелиқда алоқа воситаларининг интенсив тарзда шаклланишини рағбатлантиради ҳамда бу жараённинг диапозони ошиши, информацион оқимининг қупайиши ахборот узатиш тезлигининг ортиши билан ифодаланади. Шу нуқтаи назардан қарасак, инсонлар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини тушунишни яхшилаш мақсадлар алмашинувида, режаларнинг рўёбга чиқишида ижобий натижа бериши тайин.

Норматив маданиятнинг меъёрий (тартибга солувчи) функцияси жамият фаолиятини таъминлашда катта роль ўйнайди. Ҳар қандай инсоният жамияти доимий керак бўлган, уларни ташкил этувчи шахсларнинг ҳаракатларини тартибга солиб турувчи норматив маданият жуда муҳим ҳисобланади. Бу эса мамлакатнинг мувозанатини сақлаш учун ниҳоятда зарурдир. Маҳсулотлар инсоннинг ихтиёрида бўлган маданиятлар унинг мумкин бўлган фаолият соҳасини белгилайди ҳамда турли хил ҳодисаларнинг ривожланишини олдиндан кўриш имконини беради. Бироқ, улар муайян вазиятда одам қандай ҳаракат қилиш кераклигини аниқламайди. Ҳар бир инсон ўзининг хатти-ҳаракатларини масъулият ва онгли тарзда бажармоғи зарур. Бу эса жамиятда тарихан шаклланган ҳамда бизнинг онгимиз ва ақлимиздан жой олган кишиларнинг хулқ-атворида қўйиладиган талаблар, меъёрларга асосланиб амалга оширилади.

Маданиятнинг асосий функцияси бўйича биз берган таснифлар мумкин бўлганларидан биридир. Уларни бошқача асосга кўра таснифлаш мумкин, аммо, ҳар қандай таснифга маданий вазифаларни чегаралаш мутлақо шартли бўлади. Дарҳақиқат, ҳақиқий ҳаётда бу каби бўлиниш шунчаки мумкин эмас, барча функциялар бир – бири билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳамда амалда ягона воқелиқни ифодалайди. Умуман олганда, маданий динамика (ўсиш) жараёнларини таъминлашда хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаҳон маданияти ва замонавийлик. Моск., 1991.
2. Флиер А.Ю. Маданиятшунослар учун культурология. Моск., 2002 й.
3. Назаров Қ. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2021. -288-289 бетлар.
4. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 ва 2 жилдлар –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2016.